

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ЯНГИ САЛОҲИЯТ ВА ИМКОНияТЛАР НАМОЙиШИ



Тўйтепа шаҳрида "Ташаббус – 2017" кўрик-танловининг вилоят босқичи низо-сига етди. Кўрик-танлов бизнес муҳитини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда хусусий секторнинг роли ва аҳамиятини ошириш, тадбиркорлар, фермерлар ва ҳунармандларнинг касб маҳорати ва билим даражасини юксалтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсади кўзлангани билан эътиборга лойиқ.

«Ташаббус – 2017»

Танлов иштирокчилари иқтисодиётнинг турли тар-моқларида ташаббускорлик ва фаолликни намоён этиб, вилоятимизнинг иқтисодий

имкониятларини мустақкам-лаш, импорт ўрнини босувчи ва экспорт талабига мос маҳ-сулот ишлаб чиқариш жараё-нига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Ташкил этилган кўргазмадан жой олган серкўёш замани-мизнинг олтин тупроғида етиштирилган нозу неъмат-лар, озиқ-овқат ва ноозик-

овқат маҳсулотлари тадбир-корлар, ҳунармандлар ўз йўналишлари бўйича юртимиз тараққиёти йўлида хизмат қилаётганидан далолат бера-ди.

– Бугун вилоятда 23 минг 731 та кичик бизнес ва хусу-сий тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатмоқда, – дей-ди вилоят савдо-саноат пала-таси раҳбари Ф. Маманов. – Шу йилнинг биринчи чораги-да тижорат банклари томони-

дан тадбиркорларга 230 мил-лиард сўмга яқин кредит аж-ратилди. Бекобод, Оқўрғон, Янгийўл, Зангиота, Ўрта Чир-чиқ туманлари ва Ангрэн шаҳ-рида кичик бизнес субъект-ларини қўллаб-қувватлашга эътибор кучайтирилди. Исло-сий тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатмоқда, – дей-ди вилоят савдо-саноат пала-таси раҳбари Ф. Маманов. – Шу йилнинг биринчи чораги-да тижорат банклари томони-

Давоми 2-бетда. ➡



ИДОРАЛАРАРО КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИ

Коррупцияга қарши курашиш бўйича Тошкент вилояти идоралараро комиссиясининг йиғили-ши бўлиб ўтди. Йиғилишда Парламент вакилла-ри, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар мута-саддилари, тегишли бошқарма ва ташкилотлар раҳбарлари, шунингдек, оммавий ахборот во-ситалари ходимлари иштирок этди.

Йиғилишни мазкур комиссия раиси, вилоят прокурори Жамшид Файзиев бошқарди.

Вилоят прокуратурасида

Қайд этилганидек, мамлакатимизда жино-ятчиликка, хусусан, кор-рупция, шахсининг ўз мансаб ёки хизмат мав-қеидан шахсий ёхуд ўзга шахслар манфаатларини кўзлаб, қонунга хилоф равишда фойдаланиш-дек қабих иллатга қарши мurosасиз кураш олиб боришда барча куч ва имкониятлар сафарбар этилаёпти. Бу борада Президентимиз томони-дан жорий йил 3 январ-дан имзоланган Ўзбекис-тон Республикасининг "Коррупцияга қарши ку-рашиш тўғрисида"ги Қонуни муҳим дастурил-амал ва мустақкам ҳуқуқий асос вазифаси-ни ўтамоқда.

Мазкур Қонуннинг 4-моддасида қонунийлик, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қону-ний манфаатларининг устуворлиги, очиклик ва шаффофлик, тизимли-лик, давлат ва фуқаро-лик жамиятининг ҳам-

корлиги, коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар усту-ворлиги, жавобгарлик-нинг муқаррарлиги кор-рупцияга қарши кура-шининг асосий прин-циплари этиб белгилан-ган. Шу боис, жойларда фаолият юритадиган идоралараро комиссия-лар зиммасига мазкур йўналишда баҳамжihat ва тизимли иш олиб боришдек масъулиятли вазифалар юкланади.

Йиғилишда Корруп-цияга қарши курашиш бўйича Тошкент вило-яти идоралараро комис-сиясининг Низоми, тар-киби ва иш режаси тас-диқланди. Ишнинг тизим-ли ва самарали ташкил этиш, энг муҳими, бу йўналишда реал натижа-ларга эришиш бораси-да комиссия аъзолари-нинг таклиф ва мулоха-залари тингланди.

Ўз мухбиримиз.
Нодирбек ТОҲИРОВ
олган сурат.

МУТОЛАА ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Китоб маҳсулотла-рини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб му-толааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги Фармойиши асосида амалга оширилаётган маънавий-маърифий тадбирлар кексаю ёшининг китобга, китобхонликка муносабатини ўзгартирди. Маъна-вийтимиз офтоби бўлган дурдона китоблар наشري, мутулааси кундан-кунга қалбларни эзгулик нури ила ёритмоқда.

Маънавият

Вилоят "Маънавият ва маъри-фат" марказида республика Ёзув-чилар уюшмаси, Хотин-қизлар кўмитаси, вилоят ҳокимлиги, "Ма-ҳалла" хайрия жамоат фонди, ви-лоят матбуот ва ахбо-рот бошқармаси ҳам-корлигида ташкил этилган "Китоб ўқиш оиладан бошланади" акцияси китобхонлик байрамига айланиб, жойларда китобсевар ёшлар, оилалар кўпа-йиб бораётганини кўр-сатди.

Анжуманда сўз олган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Му-ҳаммад Али, вилоят ҳокими ўринбосари

Баҳодир Аҳмедов, "Жаҳон адаби-ёти" журналы бош муҳаррири Шухрат Ризаев, адабиётшунос олим Иброҳим Гафуров ва бошқа-лар давлатимиз раҳбари Шавкат

Мирзиёевнинг маънавиятга, ада-биётга, хусусан, китоб тарғиботи-га беқиёс эътибори ва ғамхўрли-ги туфайли китобхонлик мадания-ти тобора юксалиб бораётганини таъкидлашди.

Дарҳақиқат, шу кунларда нашрдан янги чиққан 100 минг нус-хадан зиёд китобларни республи-камизнинг шаҳар, туман ва маҳал-лаларида ташкил этилган кутубхо-наларга, муҳлисларга етказиш мақ-садига қаратилган акция вилояти-миздан бошланди.

Давоми 2-бетда. ➡



Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган суратлар.

«БУЮК КЕЛАЖАГИМИЗНИ МАРД ВА ОЛИЖАНОБ ХАЛҚИМИЗ БИЛАН БИРГА ҚУРАМИЗ»

вилоятимиз бўйлаб шундай шиор остида самимий суҳбатлар, дилкаш гурунлар, маърифий тарғибот тадбирлари давом этмоқда

Тарғибот тадбирларида эл севган санъаткорлар, таниқли шоир ва ёзувчилар, спортчи-лар иштирок этиб, бугунги кун-да олиб борилаётган ислохот-ларнинг инсонпарварлик маз-мунини, моҳиятини, буюк мақсадлар билан яшаш саодати хусусида ёшлар билан дилдан суҳбат қуришмоқда. Маърифат маскан-лари, маданият муассасалари-да ўтаётган бундай тадбирлар-га, аввало, ҳудуддаги уюшма-ган ёшлар, меҳр ва эътиборга муҳтож оилалар, умуман, кенг жамoатчилик жалб қилинаётир.

Чирчиқ шаҳрида ҳам халқ билан мулоқотлар – адабий-бадий учрашув ва тарғибот

натсевар аҳли, географик жой-лашуви билан юртимизнинг шу каби кентларидан фарқ қилади. Худуддаги 8-умумтаълим макта-бида минг нафардан зиёд ўғил-қиз таълим-тарбия олади. Ушбу даргоҳ замон талаби даража-сида таъмирланиб, жиҳозлан-ган. Учрашув баҳона мактаб ҳудудини айланар эканмиз, бу ерда ўқувчиларнинг спорт бил-лан мунтазам шуғулланиши учун зарур шарт-шароитлар яратил-гани, намунали ахборот-ресурс маркази ташкил этилгани, фан-лар бўйича турли тўғарақлар фаолияти йўлга қўйилганига гувоҳ бўлдик.

Давоми 2-бетда. ➡



Мурожаатдан сўнг...

Асомхон Табаев "Олмалиқ кон-металлургия комбинати"нинг Ангрэн кон бошқармаси олтин саралаш фабрикасида 18 йил темирчи бўлиб ишлади. Кутилмаганда кўз нури хиралашиб, кө-йинчалик умуман кўрмай қолди ва биринчи гуруҳ ногиронига айланди.

У ижтимоий шароити тақозоси билан ўзи иш-лаган корхонага касб касаллигига чалинган хо-дим сифатида бир неча бор ёрдам сўраб му-рожаат қилди. Аммо, ҳеч қандай самара бўлма-ди. Сабаби – мутахассислар унга кўзининг тугма ожизлиги, деб ташхис қўйишган эди.

«АНТИҚА ТАШХИС» БЕКОР ҚИЛИНДИ

– Табба, агар тугма кўр бўлсам, қандай қилиб узоқ йиллар те-мирчилик қилган экан-ман? – дейди А. Таба-ев. – Бундай ноҳолис муносабат мени респуб-лика Президентининг Халқ қабулхонасига му-рожаат қилишга ундади. Мурожаатчи ҳақ. Ас-лида бу масала тиббиёт бирлашмаси ва фабрика ҳамкорлигида жой-нинг ўзида одилона ҳал этилиши керак эди. Аммо, маҳаллий мута-саддиларнинг лоқайдли-ги сабабли бу масала Халқ қабулхонасигача етиб борди. Мурожаат-чининг эътироси ўрин-ли топилиб, тиббиёт бирлашмасига унинг соғлиғи хусусида тўғри хулоса бериш, "Олмалиқ кон-металлургия комби-нати" акциядорлик жа-мийатига амалий ёрдам кўрсатиш вазифаси топ-ширилди. Бирлашма хо-димлари мурожаатчини қайта тиббий текширув-дан ўтказиб, ҳақиқатан 2010 йилдан кўзи ожиз бўлиб қолганини аниқ-ладилар. А. Табаевга касб касалликлари инс-титутига хулоса олиш учун йўлланма берилди.

Ангрэнлик Дилноза Тўрובה фермерлик билан шуғулланиш мақ-садида шаҳар ҳокимли-гига бир неча марта му-рожаат қилиб, ҳеч қан-дай жавоб ололмади. Халқ қабулхонасида маз-кур фуқаро мурожаати-да келтирилган далиллар ўрганиб чиқилиб, Ангрэн шаҳар ҳокими ва бош архитектурага бу масалани Паркент ва Охангарон туманлари мутасаддилари билан бирга кўриб чиқиб, иж-обий ҳал этиш ҳақида кўрсатма берилди.

Шундан сўнг шаҳар архитектура бўлими ва-зиятини жойига чиқиб ўрганди. Тадбиркор яша-ётган шаҳарчада қишлоқ хўжалигидан фойдала-нилмайдиган ерлардан 4,5 гектари мурожаатчи-га бог барпо этиш учун танланиб, тегишли ҳуж-жатлар расмийлашти-рилди. Шаҳар ҳокими-ли ишчи комиссияси-нинг далолатномаси ту-зилди. Корхона ва таш-килотларга хулоса учун

хатлар юборилди. Хуло-салар олинган, ҳоким-нинг қарори чиқарилди. Дукент қишлоғилик ногирон Умида Абду-рахмонова эндопротез-лаш жарроҳлик амалиё-тини ўтказишга муҳтож. Аммо, эндопротезни чет элдан келтириш учун ва-люта конвертацияси за-рур. Фуқаронинг шу ҳақдаги мурожаатидан сўнг "Марказий банк"-нинг вилоят бошқарма-си беш кунлик муддат ичида шаҳар тиббиёт бирлашмаси бош ши-фокори билан эндопро-тез олиш масаласида келишиб, аризачини шифохонага ётқизишни зиммаларига олишди. Аввал мурожаатчининг соғлиғи кўридан ўтка-зилиб, ҳақиқатан ҳам иккинчи гуруҳ ногирони экани ва "ўнг тоз-сон бўғини коксоартрози" ташхиси қўйилгани аниқланди. Сўнг бепул эндопротезлаш жарроҳ-лик амалиётини ўтказиш учун тегишли идоралар-га юборилди.

Ангрэнлик Элвира Орлова ўзи яшаётган кўп хонали уйнинг 2-, 3-, 4-қаватларига анчадан бе-ри совуқ сув чиқаётган-ни, тегишли идоралар-га қилаётган мурожаат-лари натижа бермаётган-дан шикоят қилди. Шаҳар ҳокимлиги, "Сув-оқова" ва коммунал хиз-мат идораларига ушбу муаммони ўн кун ичида ҳал этиш вазифаси юк-ланган, низоҳат ҳаракат бошланди. 22-уйнинг ер-тўласидаги ярокисиз ҳо-лға келган пўлат қувурлар янгисига алмаштирилди. Ичимлик суви таъмино-тини барқарор йўлга қўйиш мақсадида амал-га оширилаётган қури-лиш-монтаж ишлари охирига етказилган, юқори қаватларга ҳам узлуксиз сув чиқади.

Мухтасар айтганда, Президентнинг Виртуал ва Халқ қабулхоналари-га тушаётган мурожаат-ларнинг бирортаси эътибордан четда қола-ётгани йўқ. Шу боис, одамларнинг мазкур қа-булхоналарга ишончи кучли.

Абдусамид Йўлдошев,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

"Ташаббус"ни истиқболга пойдевор ва мустақил ҳаёт, деб айтиш мумкин. Экспозициялар нафақат ҳакамлар ҳайъати, балки иштирокчиларда ҳам катта қизиқиш

ни ташкил қилмоқда. Бундан ташқари, 105 гектарли яйлови ҳам мавжуд. Сут маҳсулотлари пойтахтдаги йирик савдо дўконларига тарқатилади. Қатиқ маҳсулот

ришмоқда.

Трикотаж ва текстиль маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи Пискент туманидаги "Azalea Garment" корхонаси раҳбари Ҳами

ган.

Танлов натижаларига кўра, "Йилнинг энг яхши тадбиркори" йўналиши бўйича Зангиота туманидаги "Torimed Pharm" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ғолиб бўлди. Корхонада 12 хил касалликларни даволашга мўлжалланган 100 дан зиёд турдаги дори-дармонларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Бу ерда 100 нафардан ортиқ юқори малакали мутахассис фаолият юритади.

Бугун бозорда корхонамиз маҳсулотларига бўлган талаб юқори, —

лаев сазовор бўлди.

— "Ташаббус" кўрик-танлови қилаётган ишмизни муносиб баҳолашнида муҳим аҳамият касб этади ва келгуси режаларни тузишга ёрдам беради, — дейди Камолддин Раҳматиллаев. — Биз хунармандлар яратилаётган шароит ва имкониятлар учун Юртбошимиздан ғоят миннатдоримиз.

Танловда "Йилнинг энг ёш тадбиркори", "Кекса тадбиркор" — "Ташаббус" эъзозиди. "Йилнинг энг яхши тадбиркор аёли", "Йилнинг энг яхши инно-

«БУЮК КЕЛАЖАГИМИЗНИ МАРД ВА ОЛИЖАНОБ ХАЛҚИМИЗ БИЛАН БИРГА ҚУРАМИЗ»

вилоятимиз бўйлаб шундай широк остида самимий суҳбатлар, дилкаш гурунлар, маърифий тарғибот тадбирлари давом этмоқда

Камола Нишоновна маъмур таълим муассасасининг 9-синфда ўқийди. Дарсдан бўш вақтларида "Ёш тилшунослар" тўғрисида катнашади. Ўқиб ва таъкилотчилик ишларида фаол бу ҳаваскор шоира мактабда бўлиб ўтаётган турли маданий-маърифий тадбирларда ўз ижод намуналаридан ўқийди. Бугун ҳам шундай бўлди. Йилгиланлар унинг табиатга, онага, Ватанга атаб битган шеърларидан баҳраманд бўлди.

— Мактабимизга таъкилотчилик санъаткорлар, широк ва ёзувчиларнинг келиб, биз билан юзма-юзмукот қилганидан, дардимизни, ижод намуналаримизни тинглаганидан, ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, фойдали маслаҳатларини берганидан жуда хурсанд бўлдик, — дейди Камола. — Бундай тадбирлар биз, ёшларни янада фаол бўлишга, яхши ўқиб, элу юртимизга наф келтирадиган



ринки руҳда ўтди. Эл севган инсонлар иштирокида чекка худудларда учрашувлар ташкил қилинди. Хусусан, туманининг Парчаюз қишлоқ фуқаролар йиғинидаги 19-умумтаълим мактабидан бўлиб ўтган учрашув нафақат ёшларда, балки бутун худуд аҳолисида катта таассурот қолдирди. Унда 120 нафарга яқин уюшмаган аҳоли иштирок этди. Улар орасида набираларини шодиёнага олиб чиққан бобо-бувилар, ота-оналар, ака-ука, опа-сингиллар бор.

— Бугунги маърифий байрам ташкилотчиларига, энг аввало, биз ёшларга маънавий сабоқларини ҳар сўзида бот-бот ўқитиб турган Юртбошимизга мингдан

минг раҳмат, — дейди Дилфуза Умарова. — Бу биз учун катта рағбат. Ўзим икки нафар фарзандимнинг камолоти, юртимизнинг порлоқ келажаги учун улар пухта билим олиши, спорт билан шуғулланиши, тил ўрганишини назоратга олганман. Китобга ошно бўлиш учун уйимизда фарзандларим билан мўъжазгина кутубхона ҳам ташкил қилганмиз.

Бекобод шаҳридаги "Металлург" маданият саройида ўтган дастур йилгиланларда катта таассурот қолдирди. Концерт дастуридан аввал худуддаги бир қатор мактаб ва ўрта-маҳсус ўқув юртларида адабий-бадий учрашувлар ўтказган тарғибот гуруҳи мулоқотлар жараёнида дунёда кечаётган айрим нохушликлардан оғох бўлиш, юртимиз тинчлигига шукрона келтириш ва уни мустаҳкамлашга астойдил киришиш зарурлигини куй-қўшиқ, сўз ва соз воситасида ёшларга ўқитишди.

Давлат томонидан яратиб берилаётган имкониятларга яраша энди

ёшларимиз ҳам яхши билим олиб, ўз касбининг устаси, одоб-ахлоқи, тарбияли, Ватанга нафи тегадиган оқил фарзанд бўлиши кераклиги таъкидланди.

Вилоятимизнинг Бўка туманида ўтган соз суҳбатларда ҳам одамларнинг кайфияти, улкан янгиланишлар даврида яшаш, бу жараёнда иштирок этиш бахти ҳамда масъулияти ҳақида самимий мулоқотлар қилинди. Тарғиботчилар кичик гуруҳларга бўлиниб, худуддаги чекка-чекка мактабларга, маҳаллаларга ташриф буюришди, маҳалла аҳли, ёшлар билан суҳбатлашди.

Чиноз туманида ўтган тадбирларда худуддаги 6 минг нафар ёшлар қамраб олинди. Ўнг асосийси, уларнинг аксарияти катта ҳаётга қадам қўйиш остида турган йилгилан-қизлардир. 2, 3, 4, 20-сонли умумтаълим мактаблари, 4, 5-сонли мактаб-интернатларда, агросаноат ва тадбиркорлик, қурилиш ва иқтисодиёт, шунингдек, саноат касб-хунар коллежларида ўтган тарғибот тадбирларида юртимизда кечаётган улкан ўзгариш ҳамда янгиланишлар моҳияти ҳақида сўз борди. Ўнг муҳими, баайни тадбирларнинг мазмуни, таъғамирида турган гоё — "Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз" эзгу фалсафаси бугун одамларимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг дилига, қалбига кўчгани, барча саъй-ҳаракатларнинг марказида турган гоёга айланган бораётгани яққол кўзга ташланди.

Самимий суҳбатлар, шеърхонликлар, дилпарвар куй-қўшиқлар рақсларга уланаётган бундай тадбирлар бугун вилоятимиздаги ҳарбий қисмларда давом этмоқда.

Холмурод САЛИМОВ, Сарвиноз БАҲОДИРОВА, Қобилжон ҒОҒУРОВ, Мансур ХИММАТОВ олган суратлар.

ЯНГИ САЛОҲИЯТ ВА ИМКОНИЯТЛАР НАМОЙИШИ

уйғотди. Танловда қатнашганлар сафи йил сайин кенгайиб бормоқда. Улар қаторига юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқараётган тадбиркорлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш билан шуғулланаётган фермерлар, халқ амалий санъатининг ўзига хос намуналарини тайёрлаётган усталар ва хунармандлар қўшилмоқда. Ўтган йиллардан фарқи ўлароқ, бу гал "Ташаббус" танловининг дастлабки босқичларида 600 дан ортиқ иштирокчи қатнашган.

2005 йилда иш бошлаган Оҳангарон туманидаги "Шоштепа Шамс" фермер хўжалиги стенди кўпчилигининг эътиборини тортди. Хўжалик кўп тармоқли бўлиб, қорамолчилик, паррандчилик, богдорчиликка иктисослашган. Ҳатто, унинг таркибида сутни қайта ишлаш цехи ҳам бор. Бугунги кунда хўжалик майдони 77 гектар.

Бошланиши 1-бетда.

қадоқланадиган турли ҳажмдаги кўзалар ҳам шунинг ўзида тайёрланади.

Қибрай туманидаги "Неолит" корхонасида табиий тошларга ишлов берилиб, 70 дан ортиқ турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётган. Харидорларни корхона фаолияти ва маҳсулотлар билан яқиндан таништириш учун шоу марказ ҳам ишга туширилган.

Паркент туманидаги "Сўқоқ гилоси" фермер хўжалиги турли хил экологик тоза фиточойларни мижозларга етказиб бermoқда. Танловга келганларда шифобахш чой маҳсулотлари катта қизиқиш уйғотди.

— 15 йилдан бери хунармандчилик билан шуғулланаман, — дейди танловда хунармандчилик намуналари билан қатнашган қибрайлик Шерзод Амиржонов. — 30 га яқин шогирдим билан тайёрлаётган лавҳа, лаган, қутича каби маҳсулотларимизга хоржиликлар ҳам буюртма бе-



дулла Абдуллаевнинг айтишича, ҳозир корхона ўз маҳсулотларини Россияга экспорт қилаётган экан. Бу йил учун 800 минг АҚШ доллари ҳажмидаги шартномалар тузилган. 2013 йилда очилган корхонада 200 дан зиёд маҳаллий аҳоли меҳнат қилмоқда.

Хунармандларнинг ранг-баранг стендлари кўрик-танловга келганлар эътиборини тортди. Шойи матолар, сўзана ва кашталар, рўмонлар, сопол буюмлар, заргарлик безаклари халқимизнинг бой мероси, миллий санъатимиз ҳамда замонавий Шарқ маданиятининг турфа жилोलарида ўзида акс этти-

дейди корхона раҳбари Сардор Исанбоев. — Олдимизга катта вазифарлар кўйганмиз. Ҳозир маҳсулотларимизни Грузия, Яман, Қозоғистон, Қирғизистон ҳамда Тожикистонга экспортга йўналтирганмиз.

Оҳангарон туманидаги "Шоштепа Шамс" фермер хўжалиги раҳбари Тоҳир Сайрамов "Йилнинг энг яхши фермери", деб топилди. Унинг айтишича, муваффақиятга эришиш учун тинимсиз меҳнат қилиш, ўз ишини сидқидилдан бажариш лозим.

"Йилнинг энг яхши хунарманди" номига зангиоталик ёғоч ўймаkori Камолддин Раҳматил-

вацион лойиҳаси", "Ёшлар учун энг кўп иш ўринларини ташкил этган тадбиркор", "Менинг Ватаним — менинг ифтихорим", "Энг яхши экспортчи", "Энг яхши оилавий бизнес соҳиб", "Энг масъулиятли ижтимоий ҳамаюр" каби қатор рағбатлантирувчи номинациялар ғолиблари ҳам аниқланди.

Яна бир янгилик: бу йилги танловда "Менинг юртим маҳсулоти жаҳон бозорига" номинацияси ҳам жорий этилган.

Хурида ТУРСУНБЕКОВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

Қобилжон ҒОҒУРОВ, Мансур ХИММАТОВ олган суратлар.

Семинар

Чиноз туманида бўлиб ўтган вилоят босма оммавий ахборот воситалари вакилларининг навбатдаги анъанавий семинари "Ҳаракатлар стратегияси — инсон манфаатлари гаровидир" деб номланди.

МАҲОРАТ ВА МАСЪУЛИЯТ САБОҚЛАРИ



Вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси, Журналистлар ижодий уюшмаси вилоят бўлими, Чиноз тумани ҳокимлиги ҳамда "Чиноз ҳаёти" газетаси тахририяти билан ҳамкорликда ташкил этилган анжуманда вилоят, туман ва шаҳар газеталари муҳаррирлари, вилоятдаги ноширлик ва матбаачилик корхоналари мутасаддилари, соҳа мутахассислари иштирок этишди.

Айни пайтда мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий ислохотлар, хусусан, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси"нинг мазмун-маъноси, шунга мувофиқ қабул қилинаётган қонунлар, фармон ва қарорларнинг жойларга етиб боришини таъминлаш оммавий ахборот воситалари ижодкоридан тезкорлик, ҳолислик билан бир қаторда фидойилик, касбий маҳорат ҳамда тажриба талаб этади. Бинобарин, бугунги шиддаткор ахборот асрининг ўзи матбуотнинг жамиятда турган ўрни ва мавқеини оширишга қаратилган бир қатор муҳим ва устувор вазифаларни кун тартибига қўймоқда.

Таъкидлаш керакки, айни пайтда вилоятда 63 номда босма нашрлар мунтазам чоп этиб келинмоқда. Уларнинг 23 тани шаҳар ва туман ҳокимликлари муассислигидаги газеталардир. Кейинги пайтларда газеталарнинг ададидан тортиб, нашр сифати ва мазмун-мундарижасига сезиларли даражада юксалиб бораёпти.

Семинар иштирокчилари бу йўналишдаги ишлар билан "Чиноз ҳаёти" тахририяти мисолида танишиб, кейинги йилларда тахририятда тўпланаётган ижодий тажрибалар, ибратли ташаббусларни эътироф этишди.

Анжуманда вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи Зарифа Эралиева, Вилоят халқ таълими ҳодимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти доцентлари Фафур Эшмонов, Раҳимбой Жуманиёзов, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ўқитувчиси Бехзод Қобулов ва бошқаларнинг кун тартибига мувофиқ маърузалари тингланди.

Шунингдек, семинар иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Чиноз туманидаги Халқ қабулхонаси фаолияти билан таништирилди.

Ўз муҳбири.

МУТОЛАА ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

18 та шаҳар ва туман маҳаллаларининг ҳар бирига Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф, Зулфия каби адабиётимиз намояндалари, жаҳон адабиёти вакилларининг 250 дан зиёд асарлари топширилди. Таъбир жоиз бўлса, ҳали бўёғи ҳам қуримаган бу китоблардан носир ва ноширларнинг қалб кўри, хуш нафаси, илм-маърифат зиёси таралиб турибди, уларни қабул қилиб олаётган маҳаллалар раисларининг чеҳраларида эса мамнуний ифодалари зоҳир.

— Китобсевар ёшларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда, — дейди Қибрай тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Моҳида Хўжаева. — Деярли ҳар бир маҳаллада мўъжазгина бўлса ҳам кутубхона борлиги қандай яхши. Оила-сида мутулаага меҳр қўйган фарзанд керакли китобларни маҳалла кутубхонасидан ҳам олиб ўқиса, ҳозирги кунда кўпайиб бораётган зарарли ахборотлар оқимиға, ёт гоғларга қарши тура олиш қобилияти кучайди.

Анжуман доирасида Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоирнинг "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилган "Армон туни" номли янги китобининг тақдими ҳам бўлиб ўтди. Маросимда сўз олганлар мазкур ижод намунасини ўзбек оналари шаънига битилган қўшиқ, дея эътироф этиб, ўқиган китобхоннинг кўз ўнгига ўз онали сиймоси гавдаланиши, шоирнинг армонлари орқали эса одамларда меҳр-муҳаббат, оқибат туйғуларни жўш уришини таъкидлашди.

Шунингдек, таниқли хонандаларнинг шоир шеърларига бастанланган куй-қўшиқлари иштирокчиларга ғоят манзур бўлди.

Ҳайка РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

Мутахассис тавсия этади

Миллий бойлигимиз, давлатимиз иқтисодий салоҳиятининг мезонлари бўлган энергия ресурсларини тежаш, улардан мақсадли фойдаланиш, бу бебаҳо неъматларни келажақ авлодларга ҳам етказиш ҳар биримизга дахлдор вазифадир.

Аслида, нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, тарқатиш ва ҳисобини юритиш бўйича тегишли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар борки, бунга таъминотчи корхоналардан тортиб барча истеъмолчилар, хусусан, фермер хўжаликлари қатъий амал қилишлари зарур. Масалан, нефть маҳсулотларини тарқатиш варақаларини тўғри расмийлаштириш, техникалар томонидан кунлик бажарилаётган

ишларни меъёрий талаблар асосида назоратга олиш, "йўл варақалари" ва бошқа бирламчи ҳужжатларни мунтазам тўлдириб бориш, фойдаланилаётган техника воситаларининг созилигига эътибор қаратиш муҳимдир.

Оддий мисол. Бир фермер хўжалиги йиллик сарф этилаётган ёқилғи-мойлаш ашёларининг атиги 1 фоизини иқтисод қилишга эришса, республика бўйича ўн минглаб шундай хўжалиklar

Танлов

Солиқларни мунтазам тўлаб бориш ҳар бир инсоннинг фуқаролик бурчидир. Ўқил-қизиларимизга солиқ тўловлари нималарга сарф этилиши ҳақида сўзлаб бериш уларнинг намунали солиқ тўловчи бўлиб камолга етишини таъминлашда алоҳида аҳамиятга эга.

СОЛИҚ БИЛИМЛАРИ — БОЛАЛАРГА

"Солиқ билимлари — болаларга" кўрик-танловини анъанавий тарзда ўтказишдан асосий мақсад ҳам ёш авлодда солиқ маданиятини шакллантириш, уларнинг ижодий маҳоратини янада оширишдан иборатдир.

Вилоятимиздаги умумтаълим мактаблари, лицей ва коллеж ўқувчилари иштирок этган ушбу танловда Бўстонлик туманидаги 3-умумтаълим мактабининг 4-синф ўқувчиси Достонбек Тўраев солиқ мавзунининг суратлардаги тасвири бўйича, Чирчиқ шаҳридаги 4-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Дурдона Тўрамурадова эса мавзуга доир аjoyиб ҳикояси учун ғолибликни кўлга киритди.

"Ўзбекистон Республикасида солиқ сиёсати" мавзусида ишчи ёзишда Ўрта Чирчиқ ижтимоий-иқтисодиёт касб-хунар коллежининг 2-босқич ўқувчиси Малика Абдурахмоновага тенг келади гани топилмади. "Солиқлар нималарга тўланади ва нималарга сарфланади?" мавзусида ўтган компьютер тақдимида Ўрта чирчиқлик коллеж ўқувчиси Жаҳонир Топшўлатов биринчи ўринни эгаллади.

Ғолиблар танловнинг республика босқичига йўланма олди.

Лобар АЗАМОВА, вилоят давлат солиқ бошқармаси ахборот хизмати бош мутахассиси.

БУГУННИНГ МУҲИМ ТАЛАБИ

ҳисобиға бу миқдор катта-катта рақамларни ташкил этади. Таҳлилларга кўра, ҳар бир хўжаликда амалдаги сарф-ҳаражатларни бемалол камида 10-15 фоизгача қисқартириш имкони бор.

Айтайлик, хўжаликларда бензин, солярка сақланадиган ситимларнинг тўла ёки тўла эмаслигига кўп ҳам аҳамият қаратилмайди. Ваҳоланки, бензинни тўлатилмаган идишларда сақлаш мумкин эмас. Шунинг ўзи йилга 70-140 килограмм ёқилғини ҳавога учиб кетишига олиб келади. Бундай ситимларнинг номақбул ҳароратларда сақланиши, қизиши йўқотишлар ҳажмини

янада кўпайтиради. Бу, ҳатто, идишларнинг рангига ҳам боғлиқ экани кўпчиликнинг ҳаёлиға ҳам келмаса керак. Масалан, қора, қизил рангли идишларда буғланиш анча юқори, умумий ҳажмининг 1,24-1,14 фоизини ташкил этиши аниқланган.

Айни пайтда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Ўздавнефтегаз-инспекция" ва унинг худудий бўлиmlари жамоалари аҳоли фаровонлиги учун кундалик зарур бўлган табиий бойликларимизнинг беҳуда исроф қилиниши, талон-торожликларга йўл қўйилиши устидан мунтазам назорат олиб бораёпти. Хусусан,

ёқилғи тарқатиш шахобчалари раҳбарлари ҳамда фермер хўжаликлари вакиллари иштирокида қимматбаҳо ресурслардан оқилана фойдаланиш, технологик жиҳатдан тўғри тасаруф этиш ва тежаш мавзуларига доир кўплаб семинарлар ташкил этилаётти.

Мақсад — юртдошларимизни қўлимиздан келадиган, асосан, ўзимизга боғлиқ бўлган вазифаларга беэтибор бўлмасликка чорлашдир.

Жаҳонир БОЙБЕКОВ, "Ўздавнефтегаз-инспекция" Тошкент вилояти бўлими бош технологи.

Дикқат! Дикқат! Дикқат!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар қабул қилиниши шарт билан "ноль" харид қийматида сотиладиган давлат активлари бўйича очиқ танлов савдоларига таклиф этади.

Танлов савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади:

№	Объектнинг номи	Объектнинг жойлашган манзили	Балансда сакловчи	Объектнинг таъсифи	Иштирокчи мажбуриятларнинг энг кам миқдори (млн. сўм)	Объектнинг таъсифи	Иштирокчи мажбуриятларнинг энг кам миқдори (млн. сўм)	Янги танлов қилинадиган энг кам ўрнлар сони
1	Ярим ертўла биноси	Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳри, 5/1-даха	Ангрэн шаҳар ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	Бетон плита	200	—	1
2	Ярим ертўла биноси	Чирчиқ шаҳри, "Хамза" МФЙ, Заковат, 20-уй	Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	Бетон плита	600	—	1,5
3	Сауна биноси	Олмалиқ шаҳри, Гайдир кўчаси	"Олмалиқ автомобил-ўқув-ишлаб чиқариш комбинати" МЧЖ	Маъмурий бошқарув	Пиллан гипст, бетон плита	200	—	1,5
4	Собиқ 61-сонли умумтаълим мактаб бино-иншоотлари	Ўрта Чирчиқ тумани, "Ўйинчиқалы" ҚФЙ, "Ўйинчиқалы" маҳалла ҳудуди	Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	Пиллан гипст, бетон плита	300	—	1,5
5	Ўқув мактаб биноси	Бекобод тумани, Янги ҳаёт ҚФЙ	Бекобод тумани Халқ таълими бўлими	Маъмурий бошқарув	Пиллан гипст, бетон плита	800	—	3
6	8-сонли мактабнинг бўш турган биноси	Чиноз тумани, Яллама ҚФЙ	Чиноз тумани Халқ таълими бўлими	Маъмурий бошқарув	Пиллан гипст, бетон плита	400	—	2
7	Янгибод ядора биноси	Чиноз тумани, Янгибод ҚФЙ	Чиноз тумани ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	Пиллан гипст, бетон плита	100	—	2
8	"Ўзбекистон" ҚБШнинг фойдаланилмаётган бино-иншоотлари	Зангиота тумани, Бўсув ҚФЙ ҳудуди	Зангиота тумани ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	Пиллан гипст, бетон плита	150	—	2
9	19-сонли мактаб бино-иншоотлари	Ўрта Чирчиқ тумани, Истиқлол ҚФЙ, Янги ҳаёт ҳудуди	Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	Пиллан гипст, бетон плита	500	—	1,5
10	Собиқ "Мавзор" ФАП биноси	Бўқа тумани, Кўкорол ҚФЙ	Вилонт Соғлиқни сақлаш бошқармаси	Маъмурий бошқарув	Пиллан гипст, бетон плита	50	—	1
11	Собиқ бочка биноси	Куйи Чирчиқ тумани, Топшув ҚФЙ, Отажонов ф.ху	Туман халқ таълими бўлими	Маъмурий бошқарув	Пиллан гипст, бетон плита	300	—	2
12	Ўқув ишлаб чиқариш корпуси бино-иншоотлари	Янгиёул тумани, Хўжабод кўрғони	"Олмасор таъриб-механика таъмирлаш, ёрдамчи ишлаб чиқариш" ДК	Маъмурий бошқарув	Пиллан гипст, бетон плита	1500	—	2
13	Маъмурий бино-иншоотлар	Янгиёул тумани, Гулбаҳор ҚФЙ, Ш. Рашидов кўчаси	Янгиёул тумани ободонлаштириш бўлими	Маъмурий бошқарув	Пиллан гипст, бетон плита	1200	—	2
14	48-сонли мактабнинг бўш турган собиқ ўқув биноси	Куйи Чирчиқ тумани, Истиқлол ҚФЙ, Маърифет кўчаси	Куйи Чирчиқ тумани халқ таълими бўлими	Маъмурий бошқарув	Пиллан гипст, бетон плита	375	—	2
15	Ўқув ишлаб чиқариш корхонасининг бино-иншоотлари	Куйи Чирчиқ тумани, Гул ҚФЙ, Тул МФЙ	Куйи Чирчиқ тумани ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	Пиллан гипст, бетон плита	200	—	1,5

16	18-сонли мактаб филиалининг фойдаланилмаётган устакона биноси	Ангрэн шаҳри, Янгибод кўрғони, Коңи кўчаси	18-сонли умумтаълим мактаби	Маъмурий бошқарув	Пиллан гипст, бетон плита	350	2	50
17	Бўш турган маҳалла биноси	Бўқа тумани, Ровот ҚФЙ, "Уратега" маҳалласи	Бўқа тумани ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	Пиллан гипст, бетон плита	25	1	5
18	Техниклар иккунинг уйининг фойдаланилмаётган биноси	Куйи Чирчиқ тумани, Дўстобод шаҳарчаси, 2-маҳалла ҳудуди	Куйи Чирчиқ тумани халқ таълими бўлими	Маъмурий бошқарув	Пиллан гипст, бетон плита	200	1,5	5
19	"Шарқий Ўзбекистон" корхонасининг фойдаланилмаётган маъмурий биноси	Олмалиқ шаҳри, "ТРЗ" маҳалласи	"Шарқий Ўзбекистон" ДК	Маъмурий бошқарув	Пиллан гипст, бетон плита	600	1,5	25
20	"Шарқий Ўзбекистон" корхонасининг фойдаланилмаётган лаборатория биноси	Олмалиқ шаҳри, "ТРЗ" маҳалласи	"Шарқий Ўзбекистон" ДК	Маъмурий бошқарув	Пиллан гипст, бетон плита	700	2	40

Инвестиция қиритиш мобайнида яратилган ишчи ўринлари, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш йўлга қўйилгандан сўнг кейинги 1 йил давомида сақланади.

Танловда ғолиб деб топилган талабгор шартнома имзолангандан кейин 30 кун муддат ичида танлов объектини муқтаил баҳоловчи ташкилот томонидан баҳолатида, бунда баҳолашга кетадиган сарф-харажатлар танлов ғолиби томонидан қопланади.

Инвестиция қиритиш шарт билан "ноль" харид қийматида хусусийлаштиришда инвестор томонидан инвестиция қиритиш муддати тугаб, ишлаб чиқариш йўлга қўйилгандан сўнг, хусусийлаштирилган объектнинг 60 фоиздан кам бўлмаган ҳудуди (бино-иншоотлар) ишга таъширилган ва ишлаб чиқариш билан банд бўлиши лозим.

Танлов савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертлар 2017 йил 31 май кунга соат 9.00 да Тошкент вилояти ҳокимлиги бизнесининг конференция залида очилади.

Танловда қатнашиш учун муҳрлаб қўйилган таклифларни олиш 2017 йил 26 май 18.00 да ҳамда танлов бўлиб ўтмаганда оммавий ахборот воситаларида олдиндан эълон қилинган санасидан камида икки иш кунин олдин тўхтатилади.

Танлов савдоси ушбу кун бўлиб ўтмаса, такторий савдолар ҳар ҳафтанинг чоршанба кунлари, соат 9.00 да бўлиб ўтади.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш учун манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 42-уй. Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси.

Танловда қатнашиш учун талабгор ёки унинг ваколатли вакили шахсан ёхуд почта орқали ҳудудий танлов комиссиясининг ишчи органига танлов тўғрисидаги хабарномада белгиланган муддатда қуйидаги ҳужжатларни илова қил-

ган ҳолда икки нусхада буюртманомга тақдим этади:

- танловда қатнашиш истаги билдирилган ариза;
- нодавлат юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, таъсис ҳужжатларининг нусхаси ҳамда ваколатли вакилнинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатининг нусхасини илова қилган ҳолда;
- жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашганда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатининг нусхасини илова қилган ҳолда;
- икки нусхадаги муҳрланган конвертга солинган танлов ҳужжатларига мувофиқ тузилган танлов таклифи, унда қуйидагилар бўлиши керак:

* бизнес-режани бажариш, асбоб-ускуналар етказиб бериш (назарда тутилган бўлса) муддатлари, ишлаб чиқариш режалаштирилган маҳсулот турлари ёхуд кўрсатилган хизматлар рўйхати ва уларнинг рақобатбардорлиги, хом ашё, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, мавжуд асбоб-ускуналардан ва ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш тадбирлари, қўйлаётган иқтисодий самара кўрсатилган бизнес-режа, шу жумладан, инвестиция қиритиш режаси;

* инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларнинг тури, муддати ва уларни бажариш, шу жумладан, давлат мулк объектини молиявий-иқтисодий соғломлаштириш ёки унинг ҳудудидан ҳўжалик жиҳатида фойдаланиш шартлари;

* талабгорнинг молиявий жиҳатдан тўловга қодирлигини ва (ёки) тегишли тармоқда илгари амалга оширилган инвестиция лойиҳаларини тасдиқловчи ҳужжатлар.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча арақарлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Мурожаат учун манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 42-уй.
Маълумот учун телефонлар: (0-371) 230-41-73, 230-41-70. Факс: (0-371) 230-41-80.
Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.gki.uz, www.gkitorg.uz, www.tashvil.gov.uz.

Савдоларга марҳамат қилинг!

Дикқат, танлов!

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти (кейинги ўринларда – Суд департаменти)нинг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаш бўйича танловда қатнашиш учун савдо ташкилотлари (юридик шахслар)ни очиқ танловга таклиф этади.

1. Умумий шартлар:

танлов ташкилотчиси – Суд департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси.

Очиқ танловга суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни (кўчмас мулк ва автомобил-транспортлардан ташқари) сотиш билан боғлиқ хизмат кўрсатиш қўйилади.

Ўтказилаётган танловнинг мақсади суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаб олиш.

Танлов ўтказиш комиссияси (кейинги ўринларда – комиссия) томонидан танловда қатнашиш учун берилган ариза ва ҳужжатларни қўриб чиқиш Суд департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси биносидан (Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Темир Малик кўчаси, 2-уй) 2017 йил 1 майдан ҳар кун соат 10.00 дан бошлаб, 18.00 га қадар амалга оширилади ва танлов натижалари бўйича ғолиблар аниқланади.

2017 йил 6 июнь кунга соат 10.00 дан 18.00 гача Ангрэн, Олмалиқ шаҳарлари, Охангарон, Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ ва Паркент туманлари;

2017 йил 7 июнь кунга соат 10.00 дан 18.00 гача Бекобод шаҳри, Бекобод, Бўқа, Пискент, Куйи Чирчиқ, Окқўрғон туманлари;

2017 йил 8 июнь кунга соат 10.00 дан 18.00 гача Чирчиқ шаҳри, Бўстонлиқ, Янгиёул, Зангиота ва Қибрай туманлари бўйича танлов ўтказилиб, ғолиблар аниқланади.

2. Танлов шартлари ва ғолибларни аниқлаш мезонлари:

Танловда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган, турғун савдо шахобчаси ва назорат-касса машинаси мавжуд юридик шахслар қатнашишлари мумкин.

Қуйидаги юридик шахслар танловга қатнашишга қўйилмайдилар:

- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкрот арафасида бўлган;
- олти ойдан кам муддат давомида фаолият юритаётган;
- охириги 2 йил ичида ижро ҳужжатлари асосида хатланган мол-мулкни сотиш юзасидан тузилган шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлиги сабабли шартнома бекор қилинган бўлса.

Танловда ғолиб чиқишнинг асосий мезонлари:

- истеъмолчи учун жойлашган манзилнинг қулайлиги (вилоят ва туман (шаҳар) марказлари, бозорлар ва ҳокзаларга яқинлиги);
- мол-мулкларнинг сақланиши, туркумлини, сортларга ажратилиши ва бутланишини таъминловчи жой (ускуна)ларнинг мавжудлиги;
- мажбуриятлардан ҳоли бўлган пул маблағлари;
- мавжуд яроқли техникаси;
- ходимларнинг малакаси ва иш таърибаси;
- кўрсатилган хизмат учун савдо чегирмасининг пастлиги.

3. Танловда иштирок этиш учун тақдим қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар:

- комиссия номига ариза;
- давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- савдо ташкилоти таъсис ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- савдо ташкилотининг олдинги ҳисобот йили учун тегишли давлат идораларига берилган бухгалтерлик баланси (1 ва 2-шакллар) нусхаси;

Суд департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси танлов ўтказиш комиссияси.

– савдо ташкилотидан назорат-касса машинасининг мавжудлиги тўғрисида давлат солиқ хизмати органларининг маълумотномаси;

– савдо дўконига бўлган мулк (ижара) ҳуқуқининг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

– савдо дўконининг жойлашган жойи тўғрисида маълумот, унинг қисқача таъсифномаси ва 10х15 ўлчамдаги рангли фотосуратлари (жойнинг атроф кўриниши, умумий ташқи ва ички кўринишлари акс эттирилиши керак);

– мол-мулкларнинг сақланиши, туркумлини, сортларга ажратилиши ва бутланишини таъминловчи жой (ускуна)ларнинг қисқача таъсифномаси, шунингдек, 10х15 ўлчамдаги рангли фотосуратлари (жойнинг умумий ташқи ва ички кўринишлари акс эттирилади) ва уларга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар;

– савдо ташкилоти ходимлари ва уларнинг иш таърибаси тўғрисида маълумот;

– талабгорнинг мажбуриятлардан ҳоли пул маблағлари мавжудлиги тўғрисида банк маълумотномаси;

– талабгорга тегишли ҳамда ижро ҳужжати бўйича мол-мулкни сотишда иштирок этиши мумкин бўлган яроқли транспорт воситаларига оид ҳуқуқни белгилочилар ҳужжатлар ҳамда уларнинг техник таъсифи;

– кўрсатилган хизмат учун савдо чегирмаси миқдори (10% дан кўп бўлмаган).

Алоҳида турдаги фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома ёки лицензия талаб қилинган ҳолларда, шунингдек, нотариал тасдиқланган рухсатнома ёхуд лицензиянинг нусхаси ҳам тақдим этилади.

Талабгорлар мазкур Низомда белгиланган баҳолаш мезонларини тасдиқлаш учун зарур бўлган бошқа қўшимча ҳужжатларни тақдим қилишлари мумкин.

Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар савдо ташкилоти номидан ҳаракат қилувчи ваколатдор томонидан топшириладиган бўлса, унинг ваколатларини тасдиқловчи тегишли тартибда расмийлаштирилган ҳужжат бўлиши керак.

Аризага талабгор томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг рўйхати имзоланган ҳолда илова қилинади.

Юқорида белгиланган ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши ва мазмуни Ўзбекистон Республикаси Қонунлари талабларига жавоб бериши лозим.

4. Талабгорлар томонидан тақдим этилган ариза ва ҳужжатларни қабул қилиш тартиби:

ариза ва ҳужжатлар Суд департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси биносидан (Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Темир Малик кўчаси 2-уй, телефонлар: 263-53-06, 263-50-65) комиссия ишчи органи ҳудудий бошқармаси суд қарорларини ижро этиш бўлими (инспектори) томонидан 2017 йил 1 июнь кунга қадар қабул қилинади.

Аризага илова қилинган ҳужжатлар шахсан, курьер ёки алоқа бўлими орқали ёзилган конверт билан мазкур эълонда кўрсатилган манзил бўйича "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаш бўйича танлов"ига деган белги билан юборилиши керак.

Алоқа бўлими орқали юборилган ҳужжатлар ишчи орган уларни рўйхатдан ўтказган кундан бошлаб қўлиб тушган ҳисобланади.

Белгиланган муддатда тақдим этилмаган ёки мазкур эълоннинг 2-банди, 2-хатбосида назарда тутилган ҳолатлардан ташқари, танловга тақдим этилган ҳужжатлар қайтарилмайди.

Аукцион савдосига: "AUTO MEGA TRADE" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Тошкент

вилояти, Зангиота тумани СИБ томонидан хатланган, Зангиота тумани "Абдулбосит бахт фой" ФХда сақланаётган 2016 йил 27 июнь кундаги 1-2658/16-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 42 703 000 сўм, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами EK-0724 бўлган, "Занжири бульдозер ДЗ-170" русумли;

Тошкент вилояти, Чиноз тумани СИБ томонидан хатланган, Чиноз ИХХБ жарима майдончасида сақланаётган 2016 йил 16 ноябрь кундаги ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 2 951 301 сўм, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 В 5243 бўлган, "УАЗ-469Б" русумли;

Тошкент вилояти, Бекобод шаҳар СИБ томонидан хатланган, "Бекобод АТС" МЧЖда сақланаётган 2017 йил 20 январь кундаги 382-сонли ижро ҳужжати асосан, бошланғич баҳоси – 741 800 сўм, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11К9426 бўлган, "Москвич-412" русумли;

Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳар СИБ томонидан хатланган, "Насаф" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган 2016 йил 29 сентябрь кундаги 12584/16-сонли ижро ҳужжати асосан, бошланғич баҳоси – 2 161 459,61 сўм, 1978 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10У322ГА бўлган, "BA3-21011" русумли техник носоз автотранспорт воситалари такордан савдога қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2017 йил 16 май кунга соат 11.00 да ўтказилади.

Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳар СИБ томонидан хатланган, Ангрэн шаҳар ИИБ жарима майдончасида сақланаётган: 1. 2015 йил 12 май кундаги 4364/15-сонли ижро ҳужжати асосан, бошланғич баҳоси – 7 137 998,39 сўм, 1998 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10У065ГА бўлган, "BA3-21080" русумли; 2. 2013 йил 22 январь кундаги 371/13-сонли ижро ҳужжати асосан, бошланғич баҳоси – 590 524,87 сўм, 1984 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11В7739 бўлган, "Москвич АЗЛК" русумли; 3. 2015 йил 22 июнь кундаги 6452/15-сонли ижро ҳужжати асосан, бошланғич баҳоси – 7 130 527,53 сўм, 1984 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10У104ГА бўлган, "BA3-2107" русумли; 4. 2011 йил 3 май кундаги 1360/11-сонли ижро ҳужжати асосан, бошланғич баҳоси – 242 210,34 сўм, 1978 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11Н0338 бўлган, "М-412" русумли; 5. 2012 йил 28 июль кундаги 6184/12-сонли ижро ҳужжати асосан, бошланғич баҳоси – 1 580 852,48 сўм, 1978 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 1009168 бўлган, "УАЗ-469 Б" русумли;

Тошкент вилояти, Зангиота тумани СИБ томонидан хатланган, Зангиота тумани "С. Абдуллаев" МЧЖда сақланаётган, 855/15-сонли ижро ҳужжати асосан, бошланғич баҳоси – 4 500 000 сўм, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10Д610СА бўлган, "BA3-21083" русумли;

Тошкент вилояти, Янгиёул тумани СИБ томонидан хатланган, Тошкент вилояти ИИБ ИХХБ жарима майдончасида сақланаётган, 2016 йил 3 февраль кундаги 1-703/16-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 40 996 352 сўм, 2014 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01Н679ВА бўлган, "Нексия" русумли;

Тошкент вилояти, Чиноз тумани СИБ томонидан хатланган, Чиноз ИХХБ жарима майдончасида сақланаётган, бошланғич баҳоси – 11 734 937 сўм, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10Н977КА бўлган, "Daewoo Racer" русумли;

Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан хатланган, Олмалиқ шаҳар ИИБ ИХХБ АМФКНБ қўшидаги жарима майдончасида сақланаётган, 2017 йил 23 март кундаги 3482-сонли ижро ҳужжати асосан, бошланғич баҳоси – 4 458 047 сўм, 1980 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10Ф483АА бўлган, "BA3-21011" русумли;

Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан хатланган, Чирчиқ

шаҳар ИИБ ИХХБ жарима майдончасида

сақланаётган: 1. 14442-сонли ижро ҳужжати асосан, бошланғич баҳоси – 1 717 509 сўм, 1972 й

... Сайёр қабулга келган одамлар ўзаро гурунлашиб ўтиришбди. Қабул хали бошланганича йўқ. Корхона, ташкилот раҳбарлари ҳам бирин-кетин келиб, жойларини эгаллашмоқда.

Шу пайт ёнимизда ўтирган икки аёлнинг суҳбати қулоғимизга чалинади:

– Қабул қачон бошланади?

– Сўради аёллардан бири.

– Ўнда, – деди шериги.

– Муаммони айтсаммикан, ёки индамай кета қолайми?

– Муаммо нима?

– Қорамол боқиш учун кредит олоқчи эдим. Ҳал қилиб беришармикан? Банкдагилардан сўрасам, қорамолга пул бермаяптиз, ресурс тугаган, – дейишди.

Шу пайт залга туман ҳокими Камолиддин Шерматов, Халқ қабулхонаси мудири Мансур Мусаев, прокуратура, ички ишлар ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари кириб келди. Салом-аликдан сўнг ҳоким мамлакатимизда амалга оширилаётган қўлмали ислохотлар, эришилаётган натижалар, хусусан, тадбиркорларга яратиб берилаётган қўлайликлар, шунингдек, Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили муносабати билан жойларда ташкил этилаётган сайёр қабуллардан қўзланган мақсад тўғрисида гапирди.

Шундан сўнг, қабулга келган фуқаролар навбатма-навбат сўз олиб, ҳудудда амалга оширилаётган ижобий ишларни таъкидлаш билан бирга ўз муаммоларидан сўз очдилар. Кўтарилган масалаларнинг аксарияти шу жойнинг ўзида ечимини топди.

Айрим муаммоларни ҳал этиш юзасидан мутасадди идора раҳбарларига аниқ кўрсатмалар берилди.

Лекин, негадир мен юқорида суҳбатига гувоҳ бўлганим – дугоналар ўз муаммолари ҳақида ҳеч нима дейишмади. Йиғилиш тугагач, уларга юзландим:

– Нега саволингизни бермадингиз?

Мулоҳаза

«МУАММОНИ АЙТИНГ, ОТА!»

– Э, опа, аввало тортиндим. Кейин банк раҳбарининг ўзига мурожаат этиб қўяқолдим. У эртага банкка боришимни, шахсан ўзи масалани батафсил ўрганиб чиқшини айтди. Мен рози бўлдим. Биламиз, ҳаммамнинг ўзига яраша иши, муаммоси бор. Балки, айрим масалаларни бирдан ҳал этишнинг иложи йўқдир. Бир-икки кун кутсак, ҳаммаси яхши бўлади, – деди қулимсираб ва шерикларидан қолмаслик учун илдамлаб кетди.

Дарҳақиқат, ташкил этилаётган сайёр қабулларга келганларни кузатиб, сўзларини тинглаб ўтирсангиз, ҳар хил вазиятни кўрасиз. Кимдир: "Масалани шу ернинг ўзидаяқ ҳал қилиб берасизлар", деб туриб олса, бошқа биров масала моҳиятини очиб беролмай хуноб. Кимлардир асосий масала қолиб, бошидан ўтган воқеаларни ҳикоя қилиб кетади. Мутасадди идора раҳбарлари: "Муаммони айтинг, ота, нима мақсадда келгансиз",

деб сўрашса: "Муаммо йўқ, шерикларимга ҳамроҳ бўлиб келган эдим", деб жавоб беради.

Бундай қабулларнинг доимий иштирокчиси сифатида бир мулоҳазани айтиб ўтишни мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан вилоят, туман ва шаҳарларнинг раҳбарлари ва мутасадди давлат идоралари ҳамда ташкилотларнинг масъул вакиллари иштирокида бевосита халқ билан юзма-юз учрашувлар ва очик мулоқотларнинг ташкил этилаётгани жойлардаги анчадан буюн йиғилиб қолган ижтимоий-иқтисодий ва бошқа масалаларнинг ечимини топиш, энг муҳими, халқнинг фикр-мулоҳазаларини билиб боришда катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Айни вақтда бундай учрашувларда айрим иштирокчиларнинг аниқ мақсади йўқлиги, кераксиз гаплар, ортиқча тафсилотлар билан йиғилганларнинг вақтини олаётгани ҳам бор гап. Бизнингча, ҳамма жойда ўзига яраша тартиб, қоида, бир сўз билан айтганда, ҳар биримизда фуқаролик позицияси ва мурожаат маданияти бўлиши керак. Шу маънода, ўзининг қимматли вақтини аямасдан қабулга келган давлат ва мутасадди идоралар раҳбарларига савол ва муаммоларни аниқ қўйиш, фикр-мулоҳазаларни лўнда баён этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ана шунда муаммолар ечимини топиш, фуқароларнинг мурожаатларини ҳал этиш осон кечади.

Сурайё АҲМЕДОВА,
Чиноз тумани.

ТАСВИРЛАРДА ТАБИАТ ТАРАННУМИ

Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида таниқли рангтасвирчи рассом Ваҳоб Зийевнинг 90 га яқин асарларидан иборат шахсий кўргазмаси очилди.

Кўргазма

Намойишга қўйилган расмларда мамлакатимизнинг гўзал табиати, айниқса, қишлоқ манзаралари, тарихий шаҳарларимизнинг меъморий ёдгорликлари, миллий қадриятларимиздан намуналар ўз аксини топган.

Кўргазмадан расмонинг "Кўҳна қўшиқ", "Мусаффо осмон", "Шоҳизинда" каби асарлари қатори Тошкент вилоятининг турли ҳудудлари акс этган "Чорбоғ. Иссиқ кун", "Хумсон", "Бурчмулла", "Қумушқонда", "Ҳожикент", "Невич қор остида", "Сўқоқ", "Баланд тоғларда", "Тоғдаги қишлоқ" каби ижодий ишлари ўрин олган.

В. Зийев П. Бенков номиди республика расмонинг билим юрти ҳамда Тошкент театр ва расмонинг институтида сабоқ олган.

– Устозим, машхур рассом Чингиз Аҳмаров устахонасида беш йил бирга ижод қилганим, Тошкент политехника институтининг архитектура факультетида у билан бирга дарс берганим ижодий ўсишимда муҳим аҳамиятга эга бўлди, – дейди В. Зийев.

Кўргазма намойиши 7 майгача давом этади.
Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.



ОСИЁНИНГ ЭНГ ЗЎР БОКСЧИЛАРИ ТОШКЕНТДА БЕЛЛАШАДИ

Мамлакатимизда учинчи мартаба ташкил этилаётган қитъа чемпионатида 29 та давлат терма жамоаларининг 200 нафарга яқин энг кучли боксчилари голиблик учун ўзаро куч синашади. Мазкур мусобақа қитъамиз боксчилари учун шу йилнинг 23 август – 4 сентябрь кунлари Германиянинг Гамбург шаҳрида бўлиб ўтадиган навбатдаги Жаҳон чемпионатида ягона саралаш турнири ҳисобланади.

Халқаро ҳаваскор боксчилар уюшмаси – AIBA Осиё давлатлари учун Жаҳон чемпионатида 60 та йўлланма ажратган. Тошкент рингларида ўнта вазн тоифасида кучли олтиликдан ўрин олган боксчилар Жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритадилар.

Ўзбекистон терма жамоаси мураббийлар кенгаши пойтахтимиздаги чемпионатда қатнашадиган таркибга Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа мусобақаларида маҳоратини намоиш этиб келатган энг кучли чарм

қўлқоп усталари – Ҳасанбой Дўсमतов, Жасурбек Латипов, Муроджон Ахмадалиев, Элнур Абдураимов, Иқбол Холдиров, Шаҳрам Ғиёсов, Исроил Мадримов, Бектемир Мелиқўзиев, Санжар Турсунов ва Баҳодир Жалоловни жалб қилди. Уларнинг аксарияти Чирчиқ олимпия заҳиралари спорт коллежи тарбияланувчиларидир.

Боксчиларимиз Осиё чемпионатида Тошкент вилоятининг сўлим масканларида жойлашган "Янгиобод" спорт базасида тайёргарлик кўрди.

– Юртимиз байроғи остида нуфузли мусобақаларда иштирок этиш биз учун юксак шараф, – дейди Жаҳон чемпионати совриндори, бўстонликлик Элнур Абдураимов. – Мақсадимиз Осиё чемпионатида галабалар билан халқимизни хушнуд этиш, устозларимиз ишончини оқлаш ва Германияда

бўладиган Жаҳон чемпионатида кўпроқ йўлланма олишдан иборат.

Осиё чемпионати иштирокчилари орасида халқаро майдонда юксак натижаларни қайд этиб келатганлари кўпчиликини ташкил қилади. Уларнинг иштироки Тошкентдаги беллашувларнинг кескин ва мurosасиз курашларга бой бўлишидан далolat бермоқда.

Мусобақада тўлиқ таркиб – ўн нафар боксчи билан қатнашадиган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари зиммасига совринли ўринларни эгаллаш ва Жаҳон чемпионатида имкон қадар кўпроқ лицензия олиш вазифаси юклатилган.



101 огоҳлантиради

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 мартдаги "2017-2019 йиллар даврида деҳқон бозорларини реконструкция қилиш ва уларнинг ҳудудида замонавий савдо мажмуалари қуриш дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарорига асосан вилоятимизда жами 18 та замонавий савдо мажмуаси қуриш режалаштирилган.



ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЛОЙИХАДАН БОШЛАНАДИ

Мазкур савдо мажмуалари лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш "Ўзгросаноатлоиҳа" масъулияти чекланган жамиятига юклатилди. Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида ҳозир амалда бўлган шахарсозлик меъёри ва қоидалари талабларига мувофиқ мажмуаларда портлаш, ёнғин хавфсизлиги ва ёнғинга қарши чора-тадбирлар тўлиқ инобатга олиниши лозим.

Халқ ҳўжалиги объектлари ва ундаги моддий бойликларни муҳофаза қилиш долзарб масала бўлиб, ёнғинларнинг олдини олишга доир профилактика ишлари самарасини ошириш ва содир бўлган ёнғинларни тезкор бартараф этиш давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг асосий вазифаларидир. Шаҳарсозлик соҳасидаги меъёрий ҳужжатларда белгиланган, шунингдек, ёнғинга қарши талабларни лойиҳа ҳужжатларига тўлиқ киритмаслик савдо мажмуаларида ёнғин содир бўлса, тез бартараф этишда қатор муаммоларни келтириб чиқариши, катта миқдорда зарар етиши ва, энг ачинарлиси, инсонлар ҳаёти хавф остида қолиши мумкин. Бунга йўл қўймаслик учун савдо мажмуалари лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашда бош лойиҳачи ёнғин хавфсизлиги талабларини тўлиқ ҳисобга олиши зарур.

Илҳом МИРЗАЕВ,
вилоят ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси муҳандиси.

Анов буқабош нега мени четга имлаяпти? Авзойи бузқорқми? Наҳотки, бу... ўшанинг эри бўлса?

Мен уни пайқамаётгандек, танишим билан бемалол гаплашиб турибман. Узоқроқ гаплашаверай-чи, у ёғи бир гап бўлар.

Ана, тагин имлади, шубҳа ўрин йўқ, бу ўшанинг эри! Кўзимнинг қирида аста чамалаб кўрдим, қуриб кетгунинг мушти нақ бозгондек келади. Шу исқот билан қаншаримга қаратиб тортса борми!..

Хуллас, вазият нозик. Ўзимни дадилроқ тутиб, суҳбатни иложи борица чўзганим маъқул. Охири, қутишдан зерикиб, шартта кетворсам, ажабмас.

Ё раббим! Яна имлаяпти-ку. Энди нима қилдим? Нечки марта ўзимга ўзим айтаман – айниқса, хотинлар масаласида эҳтиёт бўл, деб.

Шундай дейман-у, қулай пайт келди дегунча, ўзимни тийимай қолавераман. Мана оқибати.

Вой, сурбет-ей! Барибир имлашини қўймапти.

Уф-ф, бунинг нијати бузуқ, Балки, хотини панароқда тургандир. Балки, яхшиликча бўйинимга олмасам, иккаламизни юзлаштирар. Улоқсудраш қилиб, кўпчиликнинг ичида шармандамини чиқарса-я!

РЕКЛАМА ВА ЭЪОНОЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги 2016 йил 28 октябрдаги ПҚ-2646-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 66-сон қарорига мувофиқ, тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш, шунингдек, уларни фирма номини захирага олиш, тадбиркорлик субъектларига "Ягона дарча" тамойили бўйича давлат

Митти ҳажв

ЎШАНИНГ ЭРИМИКИН?



Ана, яна имлаяпти. Ке, нима бўлса бўлар. Қилар ишни қилгандан кейин, тақдирга тан бергин-да энди, чалахўроз.

Рангим ўчганича бориб, эҳтиёт шартдан, ундан узоқроқда тўхтадим.

– Мени қақираяптиларми? – деб сўрадим, зўрга тиржаийиб.

Кутилмаганда, у ҳам мулоқотим илжайди:

– Туроб Суробович сиздан бир нимани илтимос қилган эканлар. Ўшани олгани келувдим...

Нафас олишим бирдан муътадиллашди...

Бундан ярим соатча олдин дўконимдан қанд-курс харид қилган бир анқовроқ аёлдан мўмайгина уриб қолгандим. Бунинг ўшанинг эримикан деб ўйлабман.

Анвар ОБИДЖОН.

Тадбиркорлик субъектлари диққатига!

хизматлари кўрсатиш ягона марказлари томонидан амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 25 сентябрдаги 274-сонли қарори билан тасдиқланган "Қорхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри тўғрисидаги қўшимча" ҳақида 2017 йил 9 февралдаги 66-сон қарори билан тасдиқланган "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда рўйхатдан ўтказувчи органлар ва ваколатли ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги регламенти"га мувофиқ, жорий йилда тадбиркорлик субъектла-

рининг 2016 йил учун тақдим этилган йиллик давлат статистика ҳисоботи шакллари асосида, юридик шахсларнинг асосий фаолият тури коди ва унда ишловчи ходимларнинг ўртача йиллик сонини автоматик ўзгарганлиги тўғрисидаги маълумотлар Тошкент вилояти статистика бошқармасининг www.tashvilstat.uz расмий веб сайтига жойлаштирилди.

Юридик шахснинг асосий фаолият тури (ИФУТ) коди ва унда ишловчи ходимларнинг ўртача йиллик сонини автоматик ўзгарганлиги тўғрисидаги маълумотларни билиш учун бошқар-

манинг расмий веб сайти www.tashvilstat.uz даги "Тадбиркорлар учун" рўқнидан "Юридик шахснинг асосий фаолият тури (ИФУТ) коди" бўлимидан юридик шахснинг КТУТ ёки СТИР кодини киритган ҳолда қўришингиз мумкин.

Юқоридаги масала юзасидан ўзингизни қизиқтирган саволлар билан бошқарманинг "Статистик регистрларни юретиш" бўлимининг (0371) 230-86-83, 230-86-84 рақамли телефонлари орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

Тошкент вилояти статистика бошқармаси.

Тузатиш

"Тошкент ҳақиқати" газетасининг 22.04.2017 йилдаги № 33 (12981) сонидида "AUTO GARANT BUSINESS" МЧЖ томонидан чоп этилган эълондаги "2017 йил 24 май кунини соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларида қуйидаги автотранспорт воситалари ҳамда мулклар қўйилмоқда" ва "Аризалар қабул қилишнинг охириги мuddати 2017 йил 22 май кунини соат 16.00 гача" деган жумлалар "2017 йил 26 май кунини соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларида қуйидаги автотранспорт воситалари ҳамда мулклар қўйилмоқда" ва "Аризалар қабул қилишнинг охириги мuddати 2017 йил 24 май кунини соат 16.00 гача" деб ўқилин.



Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.



Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик
кўчаси, 32.
Электрон почта:
thaqiqat@umail.uz

Қабулхона:
Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:
Бўлим муҳаррирлари
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-хисоб бўлими:

Телефонлар:
233-58-85 (факс)
233-70-10
233-79-96
233-12-83, 233-38-23, 233-48-08
233-81-21, 233-65-59
233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва Т. МАҲМУДУХҲАЕВ томонидан саҳифаланди.

Масъул котиб
Бехзод ҚОБУЛОВ
Набатчи муҳаррир
Ҳолмурод САЛИМОВ
Назоратчи мусахҳиҳ
Қумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА